

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети

“Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Тошкент – 2012 йил

Режа

	Кириш	3–4
1.	Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг ташкилий асослари	5–8
2.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида таннарх категориясининг янги талқини ва моҳияти	8–11
3.	Харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсати	11–15
4.	Маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва унинг таҳлилни амалга ошириш	15–21
	Хулоса ва таклифлар	21–24
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	24–25

КИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётининг аграсаноати мажмуида иқтисодий муносабатлар тизимини ислоҳ тубдан қилиш шароитида бозор муҳитидаги ўзгаришларга тезроқ мослашадиган янги бошқарув тизимларини барпо этиш билан бирга корхоналарда бозорни бошқариш дастаклари ва усулларини самарали ўзлаштиришини таъминлаш кейинги йилларда республикада рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлардаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий оқибатларини бартараф этиш ва уни таъсирини юмшатиш мақсадида 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган “Инқирозга қарши чоралар дастури” қабул қилинди. Ушбу дастурнинг асосий вазифаларидан бири, “Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш”¹.

Бу ўз навбатида бозор иқтисодиёти шароитида пахта тозалаш саноати корхоналарда ушбу вазифани ижобий ҳал этишда, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи замонавий бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этиш, таҳлилнинг самарали усулларини қўллаш, уларнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш, мослаштириш ва уйғунлаштириш концепциясини ишлаб чиқишни талаб этади.

Бу вазифани амалга ошириш қатор омилларга: Биринчидан, пахта тозалаш саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги харажатлар ва даромадлар, баҳонинг оптимал шаклланишига, ишлаб чиқаришни мавсумийлик характерининг таъсирига, янги хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланган ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари фаолиятига, шунингдек, пахта тозалаш саноати корхоналарини бошқаришга логистик тизимни татбиқ этиш лозимлиги кабиларга боғлиқдир. Иккинчидан, тармоқда кўп укладли

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз.-Т. 17.-Т.: "Ўзбекистон", 2009.-170-б.

мулкчилик шаклларидаги корхоналар ўртасидаги ўзаро мураккаб ҳисоб-китобларга асосланган поғонавий молия механизмининг мавжудлиги. Учинчидан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари талабларидан келиб чиқиб, тармоқда уларни жорий этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш лозимлиги кабиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мазкур муаммолар тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муҳимлиги, етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда амалий аҳамиятини, тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлиши, мақсад ва асосий вазифаларни олдига қўйиш заруриятини белгилаб беради.

Реферат мавзусининг объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклларидаги пахтани қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар илмий ишнинг объекти ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда юритиладиган бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг назарий ва амалий методологик йўналишлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Илмий янгилиги:

- харажатларнинг иқтисодий моҳиятини очиб берилди, тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни туркумлаштирилди;
- “таннарх” категориясининг таърифи атрофлича таҳлил қилиниб, унинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос келадиган таърифи берилди;
- “калькуляция” ва “таннархни аниқлаш” тушунчаларининг мукамаллашган тавсифи ишлаб чиқилди;
- пахта тозалаш саноати корхоналарида бухгалтерия ҳужжатларининг такомиллашган шакллари ишлаб чиқилди ва таклиф этилди;
- харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил этиш орқали таннарх калькуляциясининг турлари ва усуллари туркумлаштирилди.

1.Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг ташкилий асослари

Ўз мустақиллигини эълон қилгач, Ўзбекистон иқтисодий бир ёқлама хом ашё йўналишига барҳам бериш, маъданли-хом ашё захиралари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан пахтани ҳам тайёр маҳсулот ҳолигача чуқур қайта ишлашни ташкил этиш вазифасини қўйди.

Ўзбекистонда 1993-1999 йиллар давомида 1,5-1,6 миллион гектар ерга пахта экилиб келинган бўлса, 2000 йилдан бошлаб пахта экин майдони ҳажми барқарорлаштирилиб, йилига 3,4-3,6 млн. тоннага яқин пахта хом ашёси тайёрланиб, уни қайта ишлашдан 1,10-1,15 млн. тонна пахта толаси олинмоқда (1-жадвал)

1-жадвал

Ўзбекистонда пахта экин майдони, ҳосилдорлиги, ялпи ҳосили ва олинган пахта толаси динамикаси².

Йиллар	Экин майдони, минг гектар	Ҳосилдорлик, центнер/гекта р	Ялпи ҳосил, минг тонна	Пахта толаси, минг тонна
2000	1444,5	21,8	3002,4	1013,6
2001	1452,1	23,3	3264,6	1015,0
2002	1421,0	22,4	3122,4	1000,6
2003	1393,0	20,5	2803,3	943,9
2004	1456,3	24,5	3536,8	977,0
2005	1472,3	25,3	3728,4	1184,2
2006	1448,2	25,0	3600,6	1171,2
2007	1451,3	25,7	3683,4	1124,8
2008	1403,3	24,3	3410,0	1086,3
2009 ³	1339,0	25,4	3401,0	1074,7

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан пахта экин майдони 7,2% га ёки 105,5 минг гектарга камайган. Ҳосилдорлик 16,5% га ёки 3,6 ц/га. га ошиб, ялпи ҳосил ҳам 13,3% га ёки 398,6 минг тоннага ошган. Пахта толасини ишлаб чиқариш эса 6,0%га ёки 61,1 минг тоннага ошган.

² Йиллик статистик тўплам. Тошкент.: "Muharrir nashriyoti". 2009.244,-250,-252-бетлар.

³ Статистика вазирлигининг йиллик статистик тўплами. Тошкент. 2010.

Умуман олганда, кейинги йилларда пахта экин майдони 1,40-1,45 млн. гектарни ташкил этиб, ялпи ҳосил эса 3,4-3,6 млн. тоннани ташкил этмоқда.

Республикада тайёрланаётган пахта хом ашёсини дастлабки қайта пахта тозалаш корхоналарида амалга оширилади. Республикадаги пахта тозалаш саноати корхоналарини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июнда ПФ-2874 сонли “Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқарувини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”⁴ Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан “Ўзпахтасаноатсотиш” давлат акциядорлик уюшмаси негизида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ташкил этилган. Уюшма таркибига 99 та пахта тозалаш корхоналари, 10 та вилоят механик устахоналари, 6 та материал-техника таъминоти базалари, 6 та хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш - қурилиш бошқармалари - жами 149 та хўжалик юритувчи субъектларни ўзида бирлаштирган 13 та “Пахтасаноат” ҳудудий акционерлик бирлашмалари(ХАБ) киради.

Республикада олиб борилаётган изчил иқтисодий сиёсатнинг йўналишларидан бири пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш асосида, пахта толасини таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилашдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги “2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”⁵ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” уюшмасига қаршли корхоналарни модернизация қилиш ва инновацион технологияларни жорий

⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 2001 йил. 12 июн.

⁵ “Халқ сўзи” газетаси. 2007 йил. 4 апрел.

этиш бўйича қиймати 125,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 41 та лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Шу дастурга асосан 2007 йилда 7 та, 2008 йилда 14 та, 2009 йилнинг биринчи ярмида 10 та пахта тозалаш саноати корхонаси реконструкция қилиниб, янги техника ва жиҳозлар ўрнатилиб, инновацион технологиялар жорий этилди.

Корхоналарда харажатлар ҳисобини ташкил этишга корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари бевосита таъсир этади. Жумладан, пахта тозалаш саноати корхоналари қайта ишловчи саноат таркибига кириб, тармоқнинг техник ва технологик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Хом ашёни йил давомида бир маромда қабул қилиш имконияти мавжуд эмаслиги. Яъни пахта хом ашёсини корхоналар йилнинг маълум бир даврида (асосан сентябр-октябр ойларида) қабул қилиб олади.

- Хом ашёни узоқ муддат сақланиши (уларни қайта ишлаб бўлиш кейинги йилнинг июн ойигача давом этади).

- Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришнинг цехли тузилмаси йўқлиги. Пахта тозалаш саноати корхоналарида қуритиш-тозалаш, жинлаш цехлари мавжуд. Лекин буларда ишлаб чиқариш технологияси бир-бири билан узлуксиз боғланмаган. Қуритиш-тозалаш цехида қабул қилинган хом ашё қуритилиб, тозаланади. Қуритилиб, тозаланган пахта хом ашёси тўғридан-тўғри қайта ишлашга берилиши ёки қайта ишлашга берилмай, маълум муддат сақланиши мумкин.

- Бутун ишлаб чиқариш давомида бир турдаги хом ашё қайта ишланиб, бир хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Пахта тозалаш саноати корхоналарининг юқорида кўриб ўтилган техник ва технологик тузилишидаги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнидаги хусусиятлари, мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннарх калькуляцияси (аниқлаш)га шубҳасиз ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги кунда маҳсулот таннархини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54 сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот(ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби

ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом”⁶га асосан амалга оширилади.

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида таннарх категориясининг янги талқини ва моҳияти

Таннарх категориясининг чоп этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлардаги таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида “таннарх” категориясининг моҳияти тўлиқ ўз аксини топмаган. Таннарх категориясини атрофлича ўрганиб ва таҳлил қилиб, унга қуйидагича таъриф беришни лозим топдик.

Маҳсулот таннархи–бу ишлаб чиқариш ва бевосита шу маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Корхоналарда бошланғич ва йиғма ҳисобни тўғри ташкил этилиши ва уни ўз вақтида юритилишини таъминлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бошланғич ва йиғма ҳисоб корхона фаолияти билан боғлиқ ахборотлар билан корхона бошқарувчиларини таъминлайди. Ушбу олинган ахборотлар асосида қабул қилинган бошқарув қарорлари корхоналарни самарали бошқаришни таъминлаш билан бирга, эркин рақобат шароитида уларни бир маромда фаолият юритишига олиб келади. Шу билан бирга, бошланғич ва йиғма бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳужжатларини туркумлаш, бир-бирини такрорлашларга йўл қўймаслик, реквизит яъни (кўрсаткич)ларнинг ахборотлар тўлалигини сақлаган ҳолда бўлиши, унификациялаштириш (бирхиллаштириш) ва стандартлаштириш (ягоналаштириш), қоғозни тежаш ва электрон шаклга ўтиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Тола чиқишининг меъёрга нисбатан четланиши ва қайта ишлашда пахтанинг саноат навларига қараб толанинг сортларга-синфларга ўтиш кўрсаткичларининг ўзгаришини ҳисобга олиб бориладиган ҳужжат (“Ишлаб

чиқариш топшириғи(28-ХЛ)»да асосан натурал кўрсаткичлар акс эттирилиши туфайли сабабини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Шу билан бирга пахта хом ашёсини бевосита қайта ишлаш бир технологик жараёнга бирлашган жинлаш(пахта хомашёсидан чигитни ажратиш жараёни), линтерлаш(линт олиш) ва тойлаш(толани киплаш) участкаларидан иборат бўлиб, “Ишлаб чиқариш топшириғи (28-ХЛ)” асосида, ҳар бир участкани фаолиятини баҳолаб бўлмайди, ҳамда ҳужжат 4 бўлимдан иборат бўлиб, реквизитлар асосан текст кўринишида ёзилиши, ҳужжатни расмийлаштириш жараёни кўп вақт талаб қилади.

1-чизма

Пахта тозалаш саноати корхоналарида хом ашё ва тайёр маҳсулот ҳаракати бўйича дастлабки ва йиғма ҳужжатларни туркумланиши*7.



Юқорида қайд этилган камчиликларни тугатиш мақсадида, “Ишлаб чиқариш топшириғи (28-ХЛ)”да хом ашё сарфи ҳисоби ва назоратини қуйидагича юритиш лозим: «Ишлаб чиқариш топшириғи»нинг I-бўлимида пахта хом ашёсини қайта ишлашга берилиши ҳисобга олинади. Бу бўлимдаги «Пахта қуйидаги пахта тайёрлов пунктлари ва хўжаликлардан келган» реквизитини «Пахта хом ашёси келган» деб номлаш, 20 қатордан иборат кўрсаткич ўрнига бир қатор қолдириш лозим. Чунки, пахта тозалаш корхонасида бир тайёрлов пунктидаги саноат нави бир хил бўлган пахта хом ашёси учун алоҳида «Ишлаб чиқариш топшириғи» расмийлаштирилади. Ҳужжатдаги бу ўзгариш, қайта ишлаш учун берилган пахта хом ашёси тўғрисидаги маълумотларни ихчам ва қулай акс эттириш имконини беради.

«Ишлаб чиқариш топшириғи»нинг II бўлимида пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар чиқиши ҳисобга олиб борилади. Кўрсаткичлар асосан натурал ўлчов бирликларида бўлиб, тола чиқишининг меъёрдан четланишини ва толанинг сортларга-синфларга ўтишдаги ўзгаришларини қиймат ўлчов бирлигида ҳамда буларнинг сабабларини аниқлаш имкони йўқ. Шунинг учун «Ишлаб чиқариш топшириғи»(-илова)нинг 2 бўлимидаги жадвални қуйидаги кўринишини таклиф қиламиз.

Таннархни ҳисоблаш – бу маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун сарфланган жами харажатлар асосида бир бирлик маҳсулот(иш, хизмат) учун сарфланган харажатларни ҳисоблаш жараёнидир.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳозирги кунда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг оддий усули қўлланилади. Бунда жами харажатларни маҳсулот бирлигига бўлиб, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади. Унинг камчилиги бир кварталда бир марта таннарх ҳисобланишидадир. Натижада квартал давомида харажатларни олдиндан баҳолаш ва бошқариш имконияти бўлмайди.

Бироқ, қўлланилаётган ушбу усулда таннарх ҳисоблашнинг меъёрий (норматив), бўлинмали ва «Стандарт-кост» усулларининг ҳам айрим элементлари мавжудлигини тадқиқотлар давомида аниқланди.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида жаҳон амалиётида синовдан ўтган «Стандарт-кост» усулини қўллаш таклиф этилди. Ушбу усулда харажатлар бўйича четланишларни тезкор аниқлаш имконияти мавжудлиги, харажатларни тезкор бошқаришни таъминлайди. Натижада, харажатларни назорат қилиш билан бирга камайтириш чоралари кўрилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Стандарт - кост» усулини қўллаш, учун амалда пахта тозалаш саноати корхоналарида қўшимча ҳисоб-китоблар олиб боришни талаб қилмайди, чунки харажатлар меъёри олдиндан тасдиқланган тегишли меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

3. Харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсати

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, Республикамизда молиявий ҳисобнинг «Ҳисоб сиёсати» методологияси ишлаб чиқилган, лекин харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилмаган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш бўйича «Харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсати» методологияси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда «Корхонанинг ҳисоб сиёсати» тушунчасини атрофлича ўрганиб, унга қуйидагича таъриф берилди: **Корхонанинг ҳисоб сиёсати**-бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган, тезкор, тўлиқ ва аниқ ахборотларни олиш ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлаш мақсадида корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойиллари ва усулларининг йиғиндисидир.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳам харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсатини ташкил этишни босқичларга бўлиб ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда албатта, пахта тозалаш саноати корхоналарида молия йилида қайта ишланадиган пахта хом ашёси икки йилнинг ҳосилига тегишли бўлиши ҳисобга олинади. Яъни, пахта тозалаш саноати корхоналарида январ-июн ойларида ўтган йилги пахта хом ашёси қайта

ишланса, сентябр-декабр ойларида жорий йилги пахта хом ашёси қайта ишланади.

Таклиф қилинаётган бухгалтерия счетлари асосида пахта хом ашёсини ўзини қиймати, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини алоҳида ҳисобга олишни ва бошқарувчиларни аналитик бўлган ахборотлар билан тезкор таъминлаб, бошқарув қарорлари самарадорлигини оширди.

2-жадвал

Харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби счетлари бўйича счетлар корреспонденциясини таклиф этилаётган варианты.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни.	Счетлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1.	2.	3.	4.
1.	Пахта хом ашёсини харид нархларида пахта хом ашёси етиштирувчи хўжаликлардан сотиб олганда.	1010	6010
2.	Пахта хом ашёсини пахта қабул қилиш масканига етказиб бериш бўйича хўжаликларга қўшимча тўловлар.	2020	6010
3.	Пахта хом ашёсини қабул қилиб олиш ва сақлаш ишларида банд бўлганларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда.	2020	6710
4.	Ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланганда.	2020	6410
5.	Пахта хом ашёси сақлаш жараёнида банд бўлган асосий воситаларга амортизация ажратмалари ҳисобланганда.	2020	0220-0290
6.	Пахта хом ашёсини сақлаш жараёнида банд бўлган асосий воситаларни таъмирлаш харажатларига.	2020	2310
7.	Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш жараёнида сарфланган идиш ва идишбоп материаллар суммасига.	2020	1060
8.	Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш жараёнида фойдаланилган хўжалик буюмлари ва инвентарлар суммасига.	2020	1080
9.	Пахта хом ашёси сотиб олиш ва сақлаш жараёнида фойдаланилган элетр энергияси суммасига.	2020	6010
10.	Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойи (пахта тозалаш корхонаси) га ўз транспортида етказиб бериш.	2030	2310
11.	Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиб беришда банд бўлганларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда.	2030	6710
12.	Ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланганда.	2030	6410
13.	Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига четдан жалб қилинган транспортда етказиб бериш суммасига.	2030	6010
14.	Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиб беришда идиш ва идишбоп материаллар фойдаланилганда.	2010	1060
15.	Пахта хом ашёси қайта ишлашга берилганда.	2010	1010
16.	Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш харажатларини қайта ишлашга берилган пахта хом ашёси салмоғига мос равишда ҳисобдан чиқарилганда.	2010	2020

17.	Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиб бериш харажатлари ҳисобдан чиқарилганда.	2010	2020
18.	Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари: - Умумцех ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига. - Меҳнат ҳақига нисбатан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммасига. - Пахта хом ашёсини қайта ишлашга сарфланган электр энергияси суммасига. - Пахта хом ашёсини қайта ишлашда фойдаланиладиган ускуна ва жиҳозларни сақлаш харажатларига. - Умумцех харажатлари тақсимланганда - Меҳнатни муҳофаза қилиш харажатларига	2010 x x x x x x	x 6710 6410 6010 2310 2510 6010

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишда асосий ва ёндош маҳсулотлар таннархи калькуляция қилиниб, қўшимча маҳсулотлар таннархи калькуляция қилинмайди. Пахта тозалаш саноатида қабул қилинган таннархни режалаштириш ва ҳисобга олиш методикаси бўйича калькуляция объекти бўлиб асосий маҳсулот- пахта толаси ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бу методик томондан асосланмагандир, чунки тола тўқимачилик саноати учун асосий хом ашё бўлса, чигит ёғ-мой саноати учун асосий хом ашё ҳисобланади. Шунинг учун пахта толасини асосий маҳсулот бўлса, чигитни эса унга тенглаштирилган маҳсулот, яъни ёндош маҳсулот деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада фақат пахта толасини эмас, балки чигитни ҳам таннархини калькуляциялаш зарур. Пахта толаси ва чигитни таннархини калькуляция қилиш учун, барча харажатлардан қўшимча маҳсулот (момик, ўлик аралашмали чиқинди, момик аралашмали чиқинди)ларни сотиш нархидаги қийматини айириб, қолган харажатлар суммаси пахта толаси ва чигитни таннархига олиб борилади. Пахта толаси ва чигитни таннархини калькуляциялашда, харажатларни тола чиқишига мос равишда пахта толаси ва чигитга тегишли қисми аниқланади. Масалан, агар тола чиқиши 31% бўлса, унда харажатлар суммасининг 31% ини чигитга, қолган 69% ини толага тегишли деб ҳисоблаш керак. Шундан кейин пахта толаси ва чигитни таннархини калькуляция қилиш таннархни иқтисодий асосланган ҳолда аниқланиши таъминланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фойданинг ўсишига таъсир

қилувчи барча омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни тақозо қилади, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни ҳам, бинобарин, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш маҳсулот таннархини пасайтириб, корхоналар фойдасини оширишнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Маҳсулот сотишдан олинган даромаднинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан доимо ортиқ бўлишини таъминлаш ишлаб чиқаришни маълум даражада ривожланган бўлишига боғлиқ бўлиб фойда олишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фойдани муқобил равишда ўсиб боришини таъминлаш, нафақат ташқи характерга эга бўлган ахборотлар(бозорнинг ҳолати, маҳсулотга бўлган талаб, маҳсулот баҳоси ва ҳ.к.)ни тезкор олиш ва уларни таҳлил қилиб бориш, балки ички характерга эга бўлган ахборотлар(харжарларни ташкил бўлиши, маҳсулот таннархи ва ҳ.к.)ни тезкор олиш ва уларни таҳлил қилиб боришга ҳам боғлиқ бўлади. Ички характерга эга бўлган ахборотлар бевосита корхона фаолиятига боғлиқ бўлиб, бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ҳолатига, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобининг юритилишига боғлиқ. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига фойдани кўпайтириш бевосита корхона фаолияти билан боғлиқ. Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари эса бевосита пахта тозалаш саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда Самарқанд вилояти “Пахтасаноат” ҲАБда пахта хом ашёсини харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш харажатлари 124443,4 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу харажатлар ичида пахта хом ашёсини харид қиймати 101678,8 млн.сўмни ёки 81,71% ни ташкил этган. Кейинги ўринда бошқа харажатлар юқори бўлиб, ушбу харажатлар 17064,2 млн. сўмни ёки 13,71%ни ташкил этган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, барча харажатлар (амортизация харажатларидан ташқари) меъёрга нисбатан 3,21% дан 6,81% гача кам бўлган. Ишлаб чиқариш харажатларини меъёрга

нисбатан кам бўлиши, пахта толаси таннархини меъёрга нисбатан 3,96% пасайишига эришишини таъминлаган.

Россиялик олималар Селезнева Н.Н. ва Ионова А.Ф.ларнинг фикрича: “Корхоналар фаолиятида таннархни пасайиши ва фойдани оширишда, дегрессив харажатларни пасайиш суратлари пропорционал ва прогрессив харажатларни ўсиш суратларидан юқори бўлиши лозим”.⁸

Доимий харажатларни таҳлил қилишда уларни икки қисмга – самарали ва самарасиз харажатларга бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, доимий харажатларни қуйдагича формула ёрдамида акс эттиришимиз мумкин:

$$D = D_{\text{ф}} + D_{\text{фс}}$$

Бу ерда, D – жами доимий харажатлар;
 $D_{\text{ф}}$ – доимий самарали харажатлар;
 $D_{\text{фс}}$ – доимий самарасиз харажатлар.

Тадқиқотлар давомида пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таркиби атрофлича ўрганилиб, маҳсулот таннархига таъсир этувчи харажатлар гуруҳланиб, корхоналар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини бевосита маҳсулот таннархига таъсири аниқланди.

4. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва унинг таҳлилини амалга ошириш

Пахта тозалаш саноати корхоналарида хом ашёни қайта ишлаш кўрсаткичлари даражаси корхона фаолияти асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бутун тўплами даражасига ҳал қилувчи таъсир этади. Пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг асосий кўрсаткичи тола чиқишидир. Пахта толасининг чиқиши жами қайта ишланган пахта хом ашёсининг миқдорига нисбатан фоиз(%)да аниқланади. Пахта хом ашёсидан тола чиқиши кўп жиҳатдан тайёрланган хом ашёсининг сифатига ва биологик навига боғлиқ бўлиб, пахта хом ашёсини сифати эса, асосан об-ҳаво шароитлари ва уларни қайта ишлаш давригача сақлашни ташкил этишга боғлиқ. Шу билан бирга, пахта хом ашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлашда қўлланиладиган техника-

⁸ Селезнева Н.Н., Ионова А.Ф. "Финансовый анализ". -М.:ЮНИТИ.2001.183-бет

технологиянинг такомиллашганли, технологик жараёни ташкил этилиши ҳам тола чиқишига таъсир этади

Самарқанд вилояти «Пахтасаноат» ҲАБда қайта ишланган 237126 тонна пахта хом ашёсидан 78224 тонна пахта толаси олинган ва тола чиқиши режадаги 32,1% ўрнига 32,9%ни ташкил этган. Тола чиқишининг режага нисбатан 0,9%га юқори бўлиши режага нисбатан 2107 тонна кўп тола олиншини ва тола таннархини пасайишини таъминлаган.

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида олинadиган пахта толаси Давлат стандарти (ЎзДСТ 604:2001)га асосан саноат нави ва синфларга бўлинади. Пахта толаси 5 саноат навига бўлиниб, ҳар бир саноат нави бир неча синфларга бўлинади. Маълумки юқори навли пахта толасининг давлат томонидан белгиланган прејскурант баҳолари ҳам, ички ва ташқи харидорларга сотиш баҳолари ҳам паст навли пахта толасига нисбатан анча юқори бўлади. Шунинг учун, пахта тозалаш саноати корхоналари юқори навли пахта толасидан имкони борича кўпроқ олишга интиладилар. Харажатларни харажат моддалари бўйича таҳлил қилиниши, қайси харажат моддалари бўйича ортиқча харажатлар қилинганлиги, қайси харажатларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигини белгилаб беради.

Самарқанд вилояти “Пахтасаноат” ҲАБда пахта толасини саноат навлари бўйича таҳлил қилганимизда қуйидагича бўлган. Пахта тозалаш саноати корхоналарида пахта хом ашёсини қайта ишлашда тола чиқиши билан бирга олинган пахта толасининг сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тола таннархини пасайтириш имкониятлари мавжудлигини белгилаб беради. Олинган пахта толасининг сифати қайта ишланган пахта хом ашёсининг сифатига бевосита боғлиқ. Юқори сифатли пахта хом ашёсини қайта ишлашдан юқори сифатли пахта толаси олинади. Лекин айрим ҳолатларда толанинг пахта навидан саноат навларига ўтишда ўзгаришлар бўлиб туради. Ушбу ўзгаришлар толанинг таннархини ошиши ёки пасайишига таъсир қилади. 2009 йилда Самарқанд вилояти “Пахтасаноат” ҲАБда толанинг пахта навидан толанинг саноат навларга

Ўтишининг маҳсулот таннархига таъсири таҳлили натижалари 3.-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

Толанинг пахта навидан толанинг саноат навларга ўтишининг маҳсулот таннархига таъсири таҳлили .⁹

Толанинг навлари	Ҳақиқатда олинган тола, тонна	Толанинг саноат навларига ўтиши, тоннада						Барча харажатлар, млн. сўм		
		I	II	III	IV	V	жами	Режа	Ҳисобот	Четла-ниш. (+, -)
I	36489	109155	207	-	-	-	109362	59387,1	58022,2	-1364,9
II	15732	28242	1497	1300	-	-	44521	24298,1	22845,1	-1453,0
III	4202	1993	2455	8935	10	-	13393	5913,8	5617,6	-296,2
IV	17359	7789	5562	12746	18021	8774	52892	22645,9	21096,3	-1549,6
V	4442	106	31	870	3100	12851	16958	4001,0	4060,7	+59,7
Жами	78224	147285	23234	23851	21131	21625	237126	116245,9	111641,9	-4604,0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2009 йилда Самарқанд вилояти “Пахтасаноат” ҲАБда толанинг пахта навидан саноат навларига ўтишда кескин ўзгаришлар рўй берган. Бу ўзгаришлар ёки пахтанинг сифат кўрсаткичлари ва нави нотўғри аниқланиши ёки нотўғри кондицион оғирликнинг тарозида тортишда ҳамда сақлашда зарурий профилактик тадбирлар яхши амалга оширилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

2009 йилда IV нав пахта толасини олиш учун қуйидаги пахта навлари сарфланган: I навдан -7789 тонна; II нав-5562 тонна; III нав -12746тонна; IV нав-18021 тонна; V нав-8774тонна. Таҳлил шуни кўрсатадики, ҳаттоки I ва II нав пахта хом ашёсидан ҳам паст нав пахта толаси олинган. Бу каби ҳолат барча навларда кузатилади. Бу салбий ҳолат бўлса, бунга тескари бўлган ижобий ҳолат ҳам бўлган, яъни паст навли пахта хом ашёсини қайта ишлашдан юқори навли пахта толаси олинган. Жумладан, I нав тола олишда -207 тонна II нав пахта хом ашёси, II нав тола олишда -1300 тонна III нав пахта хом ашёси, IV нав тола олишда -8778 тонна IV нав пахта хом ашёси ҳам сарфланган. Умуман олганда, 2009 йилда Самарқанд вилояти “Пахтасаноат” ҲАБда толанинг пахта навидан саноат навларига ўтишдаги

⁹ Йиллик ҳисоботнинг 73-ХЛ, 1-П ва 50-ТП шакллари асосида тадқиқотчи ишланмаси.

ўзгаришлар ҳисобига харажатлар 5921 миллион сўмга тежалиб, шунча сўмга жами пахта толасининг таннархи режага нисбатан арзонлашган. 1 тонна тола ҳисобига эса бу кўрсаткич 75693 сўмни ташкил этган.

Шундай қилиб, пахта тозалаш саноати корхоналарида пахта толаси таннархининг тола навлари ва сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлили асосида таннархни сезиларли пасайтиришнинг ички имкониятларини аниқлаш ва шулар асосида тегишли бошқарув қарорлари қабул қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд.

Республикада пахта толасини сотишда эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сонли “Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тартибга солиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни қабул қилиниши натижасида, Республикада пахта толасини ишлаб чиқариш ва сотишда бозор тамойиллари ҳамда механизмлари кенг жорий қилинди, республика пахта толаси бозорида рақобат муҳити яратилди, пахта толаси ва пахта маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилишнинг жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган шакллари жорий этилди.

4.-жадвал.

**Самарқанд вилояти «Самарқад тола» масъуляти чекланган жамиятда
харажатлар ва даромадларни ҳисобга олувчи счетлар**

Счет №	Счет номи	Суммаси, минг сўм.
	Харажаларни ҳисобга олувчи счетлар.	
9410	Сотиш бўйича харажатлар	388351,0
9420	Маъмурий харажатлар	108280,0
9430	Бошқа операцион харажатлар	54146,0
9620	Валюталар курслари фарқларидан зарарлар	20,4
	Даромадларни ҳисобга олувчи счетлар.	
9030	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар	651484,0
9350	Қиска муддатли ижарадан олинган даромадлар	1840,0
9530	Ҳоиз кўринишидаги даромадлар	77,7
9540	Валюталар курслари фарқларидан олинган даромадлар	299,0
9590	Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	3540,0

4.-жадвалдан кўриниб турибдики, минтақавий пахта терминалида харажатлар корхонанинг фаолият турлари бўйича ҳисобга олинмасдан деярли барчаси 9400 “Давр харажатлари ҳисоби счётлари”да олиб борилади. Натижада

минтақавий пахта терминалининг асосий фаолияти бўлган пахта толасини сақлаш ҳамда уни экспортга ва Республика ичидаги истеъмолчиларга жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш харажатларини назорат қилиш ва уларни бошқариш, хизмат кўрсатиш таннархини ҳисоблаш имконияти чекланиб, молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да кўрсатилган хизматлар таннархини сатри бўш қолади (5.-жадвал).

Ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларида 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» бухгалтерия счегида ҳисобга олиб борилган харажатлар мазмуни ва терминалларнинг фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 9410 счегида олиб борилиши услубий жиҳатдан тўғри эмаслиги асосланди. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, асосий фаолият бўлган пахта толасини сақлаш ҳамда уни экспортга ва Республика ичидаги истеъмолчиларга жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш харажатларини 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счегида ҳисобга олиб бориш бўйича таклифлар берилиб, счеглр корреспонденцияси ишлаб чиқилди. Бу «Маҳсулот(иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га асосан «Маҳсулот(иш, хизмат) таннархига кўшиладиган харажатлар» ва «Давр харажатлари»ни алоҳида ҳисобга олиб борилишини, уларни назорат қилиш ва унумсиз харажатларни камайтиришни ҳамда асосий фаолият харажатларини алоҳида ҳисобга олиб борилишини ва 1 тонна пахта толасини сотиш бўйича кўрсатилган хизмат ҳақиқий таннархини калькуляция қилишни таъминлайди.

Бу таклифлар минтақавий пахта терминалларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва хизмат таннархини аниқлаш методологияни такомиллаштириб, ишчи счеглр режасини тартибга солади, молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойилларига мослигини таъминлайди.

«Директ-костинг» тизимининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиниб, харажатларни камайтиришда

кўпроқ ўзгарувчан харажатларга эътиборни қаратиш маҳсулот таннархини пасайтиришга олиб келиши асосланди.

5.-жадвал.

**Самарқанд вилояти «Самарқад тола» масъуляти чекланган жамиятининг
2008 йилги «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи»*.**

Кўрсаткичлар номи	Сатр тури	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар(фойда)	Харажатлар(зарарлар)	Даромадлар(фойда)	Харажатлар(зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот(товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	010	672778	х	651483	х
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархи	020	х	-	х	-
Маҳсулот(товар, иш ва хизмат)лар сотишнинг ялпи фойдаси (зарари).	030	672778	х	651483	х
Давр харажатлари жами, шу жумладан:	040	х	538398	х	550776
-Сотиш харажатлари	050	х	538398	х	388351
-Маъмурий харажатлар	060	х	86857	х	108280
-Бошқа операцион харажатлар	070	х	109058	х	54145
Асосий фаолият бошқа даромадлари	090	20621	х	1840	х
Асосий фаолиятнинг фойдаси(зарари)	100	154999		102547	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами,шу жумладан:	110	4453	х	3916	х
-Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	115	х	77	х
-Узоқ муддатли ижарадан даромадлар	140	46	х		х
-Валюта курси фарқидан даромадлар	150		х	299	х
-Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлари	160	4294	х	3540	х
Молиявий фаолият бўйича харажатлар,шу жумладан:	170	х	1132	х	20
-Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	х	1130	х	
-Валюта курси фарқидан зарарлар	200	х	2	х	20
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари).	220	158320		106443	
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) .	240	158320		106443	
Даромад (фойда)дан солиғи	250	х	19568	х	666/ 38990**
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	х	11100	х	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси(зарари).	270	127652		66787	

*Ҳисоботнинг корхонада тўлғазилган қаторлари олинди.

**Корхона 2007 йилда умум белгиланган солиқ тизимида бўлиб,2008 йил II кварталдан ягона солиқ тизимига ўтган.

Ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларининг асосий фаолияти пахта толасини қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш бўлиб, бу хизматларни кўрсатиш давомидаги харажатларнинг турлари ва элементлари бошқа тармоқ корхоналари харажатларидан фарқланади. Жумладан, бу ерда «Темирйўл бекати ва депоси хизматлари», «Юк вагонларини тозалаш», «Кириш темир йўллари ижара ҳақи», «Сертификатларни расмийлаштириш» ва шу каби харажатлар каби харажат моддалари юритилади. «Самарқанд тола» масъулияти чекланган жамиятда 2008 йилда пахта толасини қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга жўнатиш бўйича ҳамда корхонанинг бошқа харажатлари 9400 «Давр харажатлари ҳисоби счётлари» ва 9600 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счётлари» таркибидаги тегишли счётларда ҳисобга олиб борилган. Корхонанинг даромадлари 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари», 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари» ва 9500 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари» таркибидаги тегишли счётларда ҳисобга олиб борилган (5.-жадвал).

Хулоса ва таклифлар.

1. Пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастурини бажариш юзасидан пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга пахта тозалаш саноатида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришнинг методологик масаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш ва корхоналар рақобатбардошлигини ошириш сиёсатини давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

2. Ҳозирги кунда “таннарх” категориясининг таърифи амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга мос келадиган даражада аниқ белгилаб берилмаган.

Ушбу муаммони атрофлича ўрганиб, “таннарх” категориясига қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи - ишлаб чиқариш ва бевосита шу маҳсулот (иш, хизмат)га тегишли ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатларининг пулдаги ифодасидир.

3. Пахта тозалаш саноати корхоналарида пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнидаги бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари туркумланиб, бир-бирини такрорлайдиган ҳужжатлар ўрнига, ахборотлар тўлалиги ва тезкорлигини оширадиган, қоғозларни тежайдиган, электрон ахборот алмашинувини таъминлайдиган, бухгалтерия ҳисобининг “1 С – Бухгалтерия” ёки БЭМ (“Бухгалтерга электрон мадад”) электрон дастурларни қўллашда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган ҳужжатлар шакллари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

4. Пахта тозалаш саноати корхоналарида жаҳон амалиётида синовдан ўтган “Стандарт-кост” усулини қўллаш таклиф этилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Стандарт - кост» усулини қўллаш, учун амалда пахта тозалаш саноати корхоналарида қўшимча ҳисоб-китоблар олиб боришни талаб қилмайди, чунки харажатлар меъёри тегишли тасдиқланган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

5. Тадқиқот натижаси “Ҳисоб сиёсати”нинг таърифи аниқ даражада берилмаганлиги аниқланди ва унинг таърифини қуйидагича ифодалаш таклиф этилди: Корxonанинг ҳисоб сиёсати-бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган, тезкор, тўлиқ ва аниқ ахборотларни олиш ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари ва усулларининг йиғиндисидир.

6. Пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари 3 гуруҳга бўлиш таклиф қилинди. Харажатларни уч гуруҳга бўлиниши, корхонадаги ҳар бир босқичга тўғри келиб, корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида харажатлар ҳисобини тезкор юритиш ва бошқариш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтириш имконини берди.

7. Пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ҳисобини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги бухгалтерия счетлари таклиф қилинди:

1010 - Пахта хом ашёси.

2010 - Асосий ишлаб чиқариш.

2020 - Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари.

2030 - Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари.

8. Пахта тозалаш саноати корхоналарининг амалдаги методикасидан фарқли пахта толаси ва чигитни таннархини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия этилди. Бунда, харажатларни тола чиқишига мос равишда пахта толаси ва чигитга тақсимлаш асос қилиб олинди.

9. Тадқиқотлар давомида пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари таркиби атрофлича ўрганилиб, маҳсулот таннархига таъсир этувчи харажатлар гуруҳланиб, корхоналар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини бевосита маҳсулот таннархига таъсири аниқланди.

10. “Директ-костинг” тизимининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиниб, харажатларни камайтиришда кўпроқ ўзгарувчан харажатларга эътиборни қаратиш маҳсулот таннархини пасайтиришга олиб келиши асосланди.

11. Пахта тозалаш саноати корхоналарида маҳсулот таннархига пахта хом ашёсининг саноат навлари ва сифат кўрсаткичларининг таъсири ўрганилди. Натижада, пахта тозалаш саноати корхоналари ўз иш фаолиятини ташкил этиш ва ишларни режалаштиришда асосий эътиборини пахта хом ашёсининг саноат навлари ва сифат кўрсаткичлари яхшилашга қаратиши ва уни амалиётга татбиқ этиш асосланди.

12. Ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларининг хусусиятлари ҳисобга олиниб, ушбу корхоналарда «Ҳисоб сиёсати»ни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

13. Ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, асосий фаолият бўлган пахта толасини сақлаш ҳамда уни экспортга ва Республика ичидаги истеъмолчиларга жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш харажатларини 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётида ҳисобга олиб бориш бўйича таклифлар берилиб, счетлар корреспонденцияси ишлаб чиқилди.

14. Ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалларида асосий фаолият харажатларини алоҳида ҳисобга олиб борилишини ва 1 тонна пахта толасини сотиш бўйича кўрсатилган хизмат ҳақиқий таннархини аниқлаш методикаси ишдаб чиқилди ва амалиётга тавсия қилинди.

15. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифлар харажатлар ҳисоби ва таҳлили методологиясини такомиллаштиришда илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. –Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи”, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари- Т: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги байрамидаги маърузаси - Т.: 8 декабрь 2010 йил.

7. Вахабов А.В. ва бошқ. Президент И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўрганиш бўйича қўлланма.-Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни ташкил қилиш тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори. (ўзгартиришлар билан).

9. Ваҳобов. А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2005.- 480 б.

10. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224 б.

11. Аликулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. «Fan va texnologiya»,- Тошкент, 2010. -196 б.

12. Хасанов Б.А.Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия.2003.- 247 б.

13. Исаев Р.А., Хасанов Б.А., Аликулов А.И. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили. Ўқув қўлланма.-Тошкент:Fan va texnologiya, 2008.- 220 бет.

14. Аликулов А.И., Хасанов Б.А., Мажидов А.А., Фазилова А.Н. Калькулирование себестоимости продукции. Учебное пособие. - Ташкент: Fan va texnologiya, 2008. 160 с.

15. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

16. www.cer.uz- (Иқтисодий изланишлар маркази)

17. www.pravo.eastink.uz- (Иқтисодий қонунлар тўплами)